

МУСТАҚИЛ САБОҚЛАР

ТАЙМ МЕНЕЖМЕНТ

ВАҚТНИ БОШҚАРИШ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Шошилиб қилинган иш ҳар доим ҳам яхши самара беравермайди. Албатта, шошилиш керак эмас, ўта секинлик билан қилинган ҳаракатда ҳам маъно йўқ.

Ҳар доим шошилиб юриш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Кўп муҳим ишларингиз эсингиздан чиқиши мумкин. Бунинг оқибатида ишларингиз ўлда-чўлда қолади. Тез чарчайсиз ва ҳеч нарсага улгуролмаяпман деб асабийлашасиз...

Ушбу «Вақтни бошқариш» китоби бу борадаги муаммоларингизни ҳал қилишда сизга яқин ёрдамчи бўлади, деган умиддамиз.

Лойиҳа муаллифи ва нашрга тайёрловчи
Насиба ЮСУПОВА

ISBN 978-9943-08-137-6

© Насиба Юсупова. «Вақтни бошқариш». «Янги аср авлоди»,
2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Вақт бу — пул. Бу сўз ҳеч ким учун янгилик эмас. Ва ҳаммага болаликдан таниш. Вақт ўтган сари пулнинг ва вақтнинг қиймати бир бўлиб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Тўғрироғи, Вақт — пулдан қимматлироқ ва муҳимроқдир.

Яқин йиллардан бери ривожланган мамлакатлар ўз тасарруфидаги корхона, ташкилот ва уюшмаларнинг ҳисоб-китоблари ва шахсий ташкилотчилик муаммолари учун алоҳида вақт ажратмоқдалар.

Тан олиш керакки, бу борада биз ривожланган мамлакатлардан анча ортдамиз. Муаммомиз — бирор бир ишга жиддий ёндашмаганимиздадир. Масалан, ўз вақтини қатъий белгилаб, унга риоя қилаётган шахс — замонасининг тадбиркори ҳисобланган инсонда ҳам ишга, мактабга, учрашувга улгура олмаслик оддий ҳол ҳисобланади.

Ҳозирги даврга келиб вақтни бошқариш ёки вақтдан унумли фойдаланишни амалга ошириш учун эътибор кучайди. Замонавий инсон тимсолида битта ўқимишли кишига унинг олий маълумоти, компьютер ва интернет сайтларидан фойдалана олиши, кенг қамровли билимию вақтини унумли бошқариши етарли эмас. Буларга қўшимча равишда киши теран фикрли, ақлли бўлиши ва қимматли вақтини тежай билиши зарур. Шу ўринда эслатмоқ керакки, ҳар бир қабул қилинган нотўғри қарор вақт кушандасидир. Шунингдек, ҳар доим ҳам ўзини назорат қилавериш кўпчиликка зериқарли туюлиши ҳам мумкин.

Масалан, ишдан келиб, кеч тунгача бугун қилган ишларини мушоҳада қилиш — бугун қаерда бўлдим, эртага қачон қаерда бўлишим зарур каби ўй-хаёл ва режалар ҳаммани ҳам чарчатиши табиий. Кўпчилик бунинг ўрнига оила даврасида бўлишни ёки дўстлар билан дам олиб, ҳордиқ чиқаришни афзал кўради. Вақтдан унумли фойдаланиш сирлари вақтнинг тежалиши ва муаммоларни осонроқ ҳал

қилиш имконини яратади. Вақт етишмовчилиги муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлади. Бундан ташқари, Вақтни унумли бошқариш сир-асрорлари турли хил долзарб дастурларни ишлаб чиқаради (улардан баъзилари қўлингиздаги ушбу китобда ёритилган). Улар ёрдамида вақтни назорат қилиш, ишларни йўлга қўйиш ва кўп вақт оладиган ишларга кетадиган фурсатни тежаш имкони яралади.

Бу китобнинг мазмунини ҳеч иккиланмасдан икки қисмга ажратиш мумкин:

Биринчиси — Вақтни унумли бошқариш сирларининг илмий, назарий жиҳати.

Иккинчиси — Вақтни унумли бошқариш сирлари ёрдамида ёрқин самарадорликка эришиш.

Нашриётган:

Ҳурматли китобхон! Фикр-мулоҳазаларингиз, савол ва таклифларингизни қуйидаги электрон манзилимизга йўллашингиз мумкин: yangiasr@inbox.ru

Ўзингизни қизиқтирган маълумотлар ва китобларимиз ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг. Сизнинг мулоҳазаларингиз биз учун муҳимлигини унутманг.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ВАҚТНИ УНУМЛИ БОШҚАРИШ СИРЛАРИ

* ВАҚТНИ УНУМЛИ БОШҚАРИШ
СИРЛАРИ ҲАҚИДА

* ВАҚТНИ УНУМЛИ БОШҚАРИШ
СИРЛАРИ НИМА УЧУН МУҲИМ

* ВАҚТНИ УНУМЛИ БОШҚАРИШ
ЖАРАЁНИНИ НИМАДАН БОШЛАШ
КЕРАК

ВАҚТНИ УНУМЛИ БОШҚАРИШ СИРЛАРИ ҲАҚИДА

Бу бўлимга Вақтни унумли бошқариш сирлари ва у ўз ичига нималарни қамраб олиши ҳақида сўз юритилади. Албатта, савол туғилиши табиий: Вақтни унумли бошқариш сирлари нимага?

Аввало таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги даврга қадар мутахассислар вақтни унумли бошқариш жараёни ўз ичига нималарни олиши ҳақида ягона фикр, битта тўхтамга келишмаган. Улар бу жараён — ташкилот ва бошқарув муассасаларининг фавқулодда иш вақти билан боғлиқ, деган хулосага келмоқдалар.

Яна бир гуруҳ мутахассислари вақтни унумли бошқариш жараёни фақат ишбилармонликни эмас, балки инсоннинг ўз шахсий вақтини ҳам, иш вақтини ҳам бутунлай қамраб олиши лозим, деб ҳисоблайди.

Учинчи гуруҳ — режа бўйича иш олиб бориш учун вақтни шахснинг ўзи белгилаши керак (масалан, қисман иш вақти, қисман шахсий вақт). Бу тармоқланиш асосида вақтни унумли бошқариш жараёни тушунчаси бирмунча «ювилиб» кетади, деган фикрдалар.

Вақтни унумли бошқариш бу — жараён. Вақтнинг (иш, шахсий ва ҳ. к.) аниқ йўналтирилган жараёни. Бу ҳолатни баҳолаш жоиз бўлса, қуйидагича изоҳлаш мумкин — энг қисқа фурсат ичида шахснинг ўз олдига аниқ мақсад қўя билиш жараёни.

Кўп ҳолатларда вақтни унумли бошқариш жараёни қуйидаги унсурларни ўз ичига олади:

- * Ишлаш қобилияти ва ҳис-туйғуни бошқариш;
- * мақсадни тўғри режалаштириш;
- * вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш;
- * оддинга қўйилган мақсадга эришиш;
- * хулоса чиқариш.

ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИ ВА ҲИС-ТУЙҒУНИ БОШҚАРИШ

Ҳар ким ўзининг ишга лаёқатлилик даражасини билиши учун вақтни унумли бошқариш жараёнини мукамал ўрганиши зарур.

Сир эмаски, кўпчилик санъат одамлари (шоир, рассом, мусиқачи ва ҳ. к.) маълум қоида ва тартибга унчалик ҳам риоя қилмайдилар. Учрашувларга вақтида келишмайди. Улар ваъда берган ишини мутлақо хотирасидан соқит қилиши, бирор жойга бориши кераклигини эсидан чиқариши мумкин ва ҳ. к.

Хулоса чиқариладики, бундай тоифа вакиллари «ўз дунёси» билан оворалар. Яъни улар — «оқимга қарши сузувчилардир».

Бошқача қилиб айтганда, бундай кишилар ўз туйғуларини идора қила олмайдилар. Бошқа одамлардан фарқли ўлароқ санъат одамларининг иш фаолияти — ўзларини идора қилиш туйғусига боғлиқ. Бунинг асло ёмон томони йўқ. Бундай ҳаёт тарзини олиб бораётган кишилар ўзларининг фавқулудда ихтироси билан бутун дунёга донг тاراتиб, инсониятни лол қолдирадилар.

Аmmo бундай кишилар билан ҳамкорлик қилиш анча қийин. Баъзилар эса улар билан иш юритиш керак эмас, деган хулосага келадилар.

Замонавий ишбилармонлик дунёси шахсдан ўз ғайрати, шижоати ва ҳаяжонини жиловлай билишни талаб қилади. Йўқса, омад ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Масалан, бугун сизнинг ишлаш учун кайфиятингиз йўқ. Қўлингиз бирор ишга боришига ўзингизни мажбур қила олмайяпсиз. Огоҳ бўлингки, сиз тадбиркор ёки ишлаб чиқарувчи бўлсангиз, рақобатчиларингиз сизни ишдан тезгина четга суриб қўядилар. Агар бирор корхона ёки таш-

килотда ходим вазифасида фаолият юритсангиз, раҳбарият осонгина сиздан воз кечади. Ўз қоидаларига риоя қиладиган бошқа мутахассис топади.

Тасаввур қилинг: Дам олиш куни ёки янги йил арафасида ҳеч қўлингиз тегмаётган ишни бажаргингиз келиб қолади. Бу — турган-битган аҳмоқликдан бошқа нарса эмас! Ўйлаб кўринг, шундай ҳам жуда кам ҳолларда ҳордиқ учун фурсат ажратасиз. Дам олиш куни ёки йилда бир марта келадиган байрамни қолдириб, кўрсатаётган жонбозлигингиз кимга керак?!

Бу хоҳишингизни яқин орадаги иш кунига ўтқазсангиз, сизга ҳам, сиз билан бирга ишлайдиган одамлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, вақтни унумли бошқариш учун аниқ бир мақсад ва ўз устида ишлаш лозим бўлади.

Кўпгина замондошларимиз иш фаолиятларининг паст даражада эканлигидан нолийдилар. Бу уларнинг турли ишларини орқага суриши билан белгиланади.

Шунингдек, айрим одамлар учун иш кунини бошлаш ўзлари хоҳламаган ишни бажараётганликлари учун асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Керакли ишни орқага суриб, яъни ҳамма учун зарур бўлган ишни бажармасдан бир чашка кофе ёки чой ичиш, битта сигарета чекиб олиш, телевизор кўриб, зарур ишни келаси душанбага суриш — одатий ҳолга айланиб улгурмоқда.

Ишни орқага суришнинг асосий сабаблари нималардан иборат?! Улар ҳақида батафсилроқ сўз юритсак. Бўлиши мумкин:

*** Инсонга хос одатий дангасалик.**

Бу энг қийин бартараф қилинувчи, жиддий муммолардан бири эканлигини унутманг.

*** Ҳаддан ташқари чарчаш.**

Чарчоқ маълум даражада тиниқиб, дам олинганидан кейин бартараф қилинади. Ҳордиқ баъзида жуда яхши ўтказилган дам олиш куни, меҳнат таътилига чиқиш бу борада яхши самара беради.

*** Ишончсизлик.**

Шундаки қилинган иш ўз-ўзидан омадди яқун топиши мумкин. Бу ўз-ўзидан бир қатор таққослашга ўрин бўлмаган ҳақиқатни келтириб чиқаради:

- инсонда етарлича билим ва тажриба йўқлиги;
- инсон ўзи бажараётган ишга қизиқиши, лекин лаёқат ва жавобгарликни ҳис қилмаслиги;
- вақт етишмовчилиги (бошқача ҳам бўлиши мумкин – қанчалик вақт кам бўлса, ишга шунчалик тез киришиш);
- ишнинг фавқулодда кенг қамровлилиги (ўзига катта масъулият олаётгандай туюлиши мумкин).

*** Ишни шу заҳоти бошлай олиш учун ўзига нисбатан ишончсизлик.**

*** Ўзини баҳолай олмаслик.**

*** Ўз мақсадини аниқ белгилай олмаслик.**

*** Бошлиқларнинг доимий қистови ва унинг ишидан қониқмаслиги.**

*** Ишдан кўра қизиқарлироқ ва жонлироқ машғулотларнинг мавжудлиги (албатта, интернетда ўтириш ёки чекиш хонасида суҳбатлашиш).**

*** Ишга бевосита тааллуқли бўлмаган ўзининг шахсий муаммолари.**

Айтиш мумкинки, кишида ишга лаёқатсизлик муаммоси бўлса, уни ўзининг шахсий сабаблари билан тўлдиради. Ваҳолангки, дангасалик ва бирор ишни ҳал қила олмаслик муаммосини қуйидаги усуллар билан бартараф этиш мумкин:

* Аввало мақсадингиз нима қилишингиз кераклигига қаратилсин. Тўғри режалаштиринг. Бунинг амалда қандай бўлишини ақл билан тасаввур қилинг.

* Катта ишни бир неча бўлимга бўлиш керак.

* Сўнгра бошланғич ва кейинги босқичларнинг бажарилиш вақтини аниқ белгилаш лозим.

* Иш бошлашдан олдин ҳар бир эътиборни оладиган нарсаларни эсдан чиқаринг. Интернетни, мусиқани, ҳар хил қизиқарли ўйинлари ўчириб қўйинг. Бу — албатта, ишга ҳалақит бермаслиги учун. Яхшиси, уларни дискка кўчириб, уйга олиб бориб қўйиш керак.

* Ишни амалга ошириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп ўйлаш — ишни бошлашингиз учун халақит беради. Ишни қандай бошлаш ҳақида ҳам узоқ ўйламасликка ҳаракат қилиш зарур.

* Ишнинг биринчи босқичини бошлаш учун кўп вақт сарфламаслик лозим.

Муҳими — аниқ режа асосида иш олиб борилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ўтказилган тажрибалар бу борада яхши натижа берган. Шунингдек, бу тажрибалар «Ишни кейинга суриш» назариясини бартараф қилишга ёрдам беради.

МАСЛАҲАТ

Қилаётган ишингизнинг бирор босқичида юқоридан айтиб ўтилган усуллар бекорчи бўлиб туюлиши мумкин. Натижада сиз ишни ташлаб, уни бошқа кунга қолдиришингизга тўғри келади. Зинҳор ундай қила кўрманг. Бундай вақтда бошқа нарсаларга чалғимай, ишни давом эттириш керак. Тез орада ишнинг бошқа босқичи ҳақида ўйлаш фурсати етади. Сиз шу тариқа ўзингизни қийнаётган муаммолар ечимини топасиз. Албатта, вақт — олий ҳакам.

Муҳим томони шундаки, сиз ишингизнинг ҳар бир босқичини белгиланган вақтда, вақтида тугатишга ҳаракат қилинг. Буни уддалай олмасангиз, бошлаган ишингизни охирига еткази олмаслик хавфи кучаяди.

Агарда сиз бу жараёнга жуда қизиқиб, берилиб кетсангиз (шунақаси ҳам учраб туради), вақт ҳақида ўйламасангиз ҳам бўлади.

Агар иш босқичма-босқич олиб борилса, билимингизни ошириб, ўзингизни идора қилишгача бориб етади. Бу, албатта, ишни ақл билан, тўғри режалаштиришга боғлиқ. Босқич билан кетаётган иш тугалланган яхлит бир қолипга солинган мақсад сари етаклайди. Қилинган ишнинг охири унчалик аҳамиятта эга эмасдай туюлиши мумкин. Лекин бу бир пайтнинг ўзида жуда ёқимли ҳам.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1743> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1743> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1743>